
Катта Дехқонобод маҳалласида Ёшлар маркази ҳамда боғча учун қўшимча бино қад ростламоқда.

Жорий йилда “Ташаббусли бюджет” лойиҳасининг биринчи босқичида Қува тумани 2-сектор ҳудудидаги Катта Дехқонобод маҳалла фуқаролар йиғинининг каттаю кичик аҳолиси бир тан-у бир жон бўлиб аҳилликда ҳаракат қилиши натижасида бирданига 3 та ташаббуслари ғолибликни қўлга киритган эди.

Бугунги кунда мазкур ташаббусларни амалга ошириш мақсадида маҳалланинг бўш ер майдонида маҳалла ёшлари учун “Ёшлар маркази” ҳамда 23-Давлат мактабгача таълим муассасаси учун қўшимча бино қад ростламоқда.

Амалга оширилаётган қурилиш ишларининг сифатли олиб борилиши, ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланиши ҳамда ўз муддатида якунланиши шахсан сектор раҳбари ва жамоатчилик томонидан доимий назоратга олинган

2023-10-25 15:45:52